



# ТОШКЕНТ



# ОҚШОМ

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСIIY ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 131 (9.475) 2000 йил 6 ноябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Чирчиқ «Электримсанот» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига қорхонанинг олти йиллик тўйи муносабати билан табрикнома йўллади.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Чирчиқ «Электримсанот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан алоҳида ўрнатилган ҳодимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекиди.
- Чирчиқдаги Кимёгарлар маданият саройида «Электримсанот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бирлашма жамоасига йўллаган табрикномасини Бош вазир Ўткир Султонов ўқиб эшиттирди ва бирлашманинг алоҳида ўрнатилган ҳодимларидан бир гуруҳига Ватанинг юксак мукофотларини топширди.
- Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалигида янги кичик сут заводи ишла бошлади.
- Утган шанба кун пойтахтимизда янги замонавий спорт-соғломлаштириш мажмуи очилди.
- Япониянинг Ўзбекистондаги маданият кунлари доирасида Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят кутубхонасида Япония тўғрисидаги китоблар кўргазмаси ўтказилди.

## ЖАҲОНДА

- Бугун Тожикистонда Конституция кунини нишонланмоқда.
- Эртага АҚШда Президент сайловлари бўлиб ўтади. Матлумки, ушбу лавозимга икки номзод — кичик Жорж Буш ва Альберт Гор даъвогарлик қилмоқда.
- Беларус Президентини А. Лукашенко Беларус Республикасининг сезиларли даражада қисқартирилишини айтиди.
- Утган шанба кун Туркменистонда янги байрам — Саломатлик кунини нишонланди.
- Кеча Озарбайжонда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кузатувчилари сайлов жараёнининг қандай борганлигини кузатдилар. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг сайловлар хусусидаги ҳисоботи Озарбайжоннинг Европа Кенгашига қабул қилиниши тўғрисидаги масаланинг ҳал этилишига таъсир кўрсатади.
- Утган шанба кун Ереванда 4 мингдан зиёд киши иштирокида ўтказилган намойиш катнашчилари Арманистон Президентини Р. Кочаряннинг истефого чиқишини талаб қилдилар. Намойиш бир қатор муҳолифатчи партиялар томонидан уюштирилди.
- Кеча Берлин денгизда «Рязань» теплоходи ҳалокатга учради. Экипаж аъзолари қутқариб қолинди. Бугун ҳалокат ўзи берган жойга «Красин» музёра кemasининг келиши кутилмоқда.
- Утган шанба кун Тель-Авивда Исроилнинг собиқ Бош вазири, бундан беш йил муқаддам — 1995 йил 4 ноябрда ўлдирилган Ицхак Рабин хотирасига бағишланган митинг ўтказилди. Кеча Ицхак Рабин номи Париждаги истироҳат боғларидан бирига қўйилди.
- Сьерра-Леоне ҳукумати ва исёнчилар 9 ноябрда тинчлик музокаралирини бошлаш тўғрисидаги келишувга эришдилар. Сьерра-Леонедаги фуқаролар уруши саккиз йилдан зиёд вақтдан бери давом этмоқда.
- Бугун Хитой жанубидаги Чжухай шаҳрида халқаро аэрокосмик саломи очилди.
- Кеча Грузияда энергетика секторининг бир қанча юксак лавозимли амалдорлари коррупцияда гумон билан хибосга олинди.
- Миср Олий суди турмушга чиққан аёлларнинг хорижий элларга эркин равишда чиқиш ҳуқуқини маъқуллади.
- Черногория парламенти қабул қилган қонунга биноан бундан буён Югославия динори республика ҳудудидаги муомаладан чиқарилади. Черногориядаги ягона тўлов воситаси немис маркаси бўлажаклиги режалаштирилмоқда.
- Европа Иттифоқига аъзо бўлган 40 дан зиёд мамлакатларнинг вакиллари бугун Европа китъасида ўлим жазосини бекор қилишга чақирдилар. Европа Иттифоқи мамлакатларининг Римда ўзини яқунлаган учрашувида ана шундай резолюция қабул қилинди.
- Австралида ўтказилган Олимпиадада иштирок этган 35 спортчи ва расмий вакиллар ушбу мамлакатдан сиёсий бошлана берилишини сўрадилар. Улар орасида габлик боксчи, тунислик курашчи ва тўрт нафар грузиялик спортчи бор.
- Ичида 35 нафар япон сайёҳи бўлган автобусни утган шанба кун Грецияда гаровга олган жиноятчи полицияга таслим бўлди, кейин эса ўзини ўзи ўлдирди. У Афинадаги Марказий полиция бошқармасининг 6-қаватидаги деразадан ўзини ерга ташлади. Аварроқ у ўз қайночаси ва қўшнисини ҳам отиб ташлаган эди. Маммулар унинг руҳий хасталикка чалинганини инкор этишмаяпти.
- Марселда Россия консули Артур Камолитдинов ҳалок бўлди. Шанба кун яшайдиган уйи атрофида уни ўлик ҳолида топиди. Тахминларга кўра Артур Камолитдинов тўртинчи қаватнинг балконидан йиқилган.
- Халқаро террорчи Усама бин Ладин сўнгги вақтларда Афғонистондаги ўз қароргоҳини тез-тез ўзгартирмоқда. Покистоннинг «Фронтёр пост» газетаси ёзишича, «Коул» ҳарбий кемаси портлатилгандан сўнг АҚШнинг Афғонистондаги базаларига ракета зарбаси бериш эҳтимоли ана шундай йўл тутишга мажбур этмоқда. Усама бин Ладиннинг юриш йўналишлари ҳам қаттиқ сир тутилмоқда.
- Эроннинг Шероз шаҳри яқинида жойлашган қамқондан қочишга уринган олти жиноятчи отиб ўлдирилди. 25 нафар туққин ярадор қилинди. Хабарларга қараганда, наркотиклар контрабандаси туғайлиги судланган бу жиноятчилар қамқонда қўриқчиларга ҳужум қилган. Қўриқчилар эса уларга қарата ўлган.

## ЙЎЛЛАР РАВОНЛИГИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ

**Йўл қурган савоб олади, дейди халқимиз. Бу анъана мустақиллик йилларида янада изчил давом эттириб келиняпти. Айниқса, Тошкент шаҳрида йўл қурилишига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Зеро, пойтахтимиз гўзаллиги, йўлларининг равонлиги мафтункор юртимиз киёфасининг ажралмас қисминдир.**



Хабар қилинганидек, утган жума кун Тошкентда автомобиль қатновини тартибга солиш, йўлларни жаҳон андозларига мослаш борасидаги ишларнинг яна бир самараси бўлиши Гавҳар ва ал-Хоразмий кўчаларини ўзаро боғловчи кўприкнинг очилиш маросими бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Тошкентнинг Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси орқали «Отчопар» бозорига бориш йлгари талай ноқулайликлар туғдиран, йўлнинг ўта тизиллиги йўловчи ва ҳайдовчилар орасида асабузарликларга сабаб бўларди. Бу ҳудуддаги йўлларни кенгайтириш, қатновини тартибга солишда муҳим бўлган кўприк қурилиши аввало ана шундай ноқулайликларга барҳам беришни кўзда тутди.

Унда автомобиллар икки йўналиш бўйлаб тўрт қаторда ҳаракатланиши мумкин. Кўприк қурилиши билан бирга Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси ҳам тубдан таъмирланди. Барча ишлар учун 3,5 миллиард сўм сарфланди. Бу ишларда «Тошйўлқурилиш» трести, «Автомагистраль» бирлашмаси йўлсозлари билан бир қаторда, вилоятлардан келган қурувчилар ҳам иштирок этди.

Янги кўприк ишта тушиши бу ердан ал-Хоразмий ва Кўйлик мавзеларига, Сирғали тумани, Тошкент шаҳрининг бошқа гузарларига боришни анча енгиллаштиради. «Отчопар» бозори ҳудуди, Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси ва унга туташ йўллардаги қатнов тартибга тушади ва янада фаоллашади.

Одатда бундай ишоотларни очишда рамзий тасмани Президентимизнинг ўзи қирқарди. Бу сафар давлатимиз раҳбари мазкур шарафли вазифани кўприкнинг очилиш маросимига ташриф буюрган оқсоқолларга топширди. Маросий отахонларнинг дуоси билан пойтахтимиздаги яна бир муҳим ишоот ишта туширилди.

Ислам Каримов Тошкент шаҳрида, умуман, мамлакатимизда йўлларни тубдан яхшилаш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Сўнгги йилларда кўприксозликка катта эътибор қаратиляпти, — деди Президент Ислам Каримов. — Бу,

аввало, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб амалга ошириляпти. Бундай янги ишоотларнинг ишта тушиши хавфсизлики таъминлаш, кўпгина янги кулайликлар яратиш билан бирга, йўловчиларнинг узоғини яқин ҳам қилипти. Биз Тошкент шаҳри ичида янги халқа йўл бунёд этиляпти. Бу йўл шаҳар четларидан марказга, шунингдек, муҳим объектлар, жумладан, аэропорт ва вокзалларга аввалгидан кўра тез етиб келишни таъминлайди.

Ислам Каримов йўлнинг обод бўлиши унинг атрофи ҳам ободлашувига катта таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, равон ва кенг йўл қурилгандан сўнг унинг бўйида яшовчи одамлар ўз-ўзидан уйлари атрофини янада батартиб қилишга киришиб кетади. Дарвозалар бўлиб, деворлар оқланади. Гулзорлар барпо қилинади. Натижада нафақат кўча, унинг атрофи ҳам кўзни қувонтирадиган манзара касб этади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ошган сари юртимизни хориж билан боғловчи халқаро магистраль йўллар қурилишига эътибор ҳам кучаймоқда. Айни пайтда маҳаллий коммуникация тармоқларини ривожлантириш эъти-

бордан четда қолаётгани йўқ. Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида ва вилоятларда фойдаланишга топшириляётган замонавий йўллар шундан далолат бериб турибди. Ислам Каримов маҳаллий йўлларни замон талабларига мослаштириш ишларининг кўлами бундан кейин янада кенгайтиришни таъкидлади. Жумладан, яқин вақтлар ичида Фарғона водийси ва Қорақалпоғистонни ўзаро боғловчи замонавий, катта тезликка мослашган йўл қурилади, деди Президент.

Йўлларни кенгайтириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ўз даврида буюк соҳибқирон Амир Темури фаолиятининг ҳам бир қисми бўлган. Бугун юртимизда бу борда амалга ошириляётган хайрли ишлар боболаримизнинг бунёдкорлик анъаналари замонавий тарзда давом эттириляётганидан дарак беради. Бунга Тошкентда қад ростлаган яна бир замонавий кўприк мисол бўла олади.

Анвар КАРИМОВ,  
ЎЗА мухбири.

СУРАТДА: кўприк очилиш маросимдан лавҳа. Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат.

### Тошкент шаҳар ҳокимлигида

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИГИЛИШИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остида умумий таълим мактаб ўқувчиларининг «Олимпиада умидлари-2001» Республика спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиши Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихсидилла Ақромов олиб борди.

Йиғилиш Тошкент шаҳар халқ таълими бос бошқармаси, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Фидкорлар Миллий демократик партияси, «Камолот» жамғармаси, республика «Пахта» банки, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳамда бошқа бир қатор

моларни ўз ўрнида ҳал этиш, спорт ишоотларини кайта таъмирлаган ҳолда уларни зарур спорт асбоб-ускуналари билан таъминлаш вазифалари топширилди.

Республика умумий таълим мактаб ўқувчиларининг «Олимпиада умидлари-2001» республика спорт мусобақалари 2000-2001 йиллари IV босқичда республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида, финал босқичи эса 2001 йил май ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади. Мусобақалар 5-синфдан 11-синфгача бўлган синфлар ўртасида етти та спорт тури бўйича спорт федерациялари ва халқаро федерациялар томонидан тасдиқланган мусобақа низомилари ҳамда қондалари асосида ўтказилади.

бақаларни ўтказиш тартиби, Низоми, ташкилий қўмига ва бош ҳакамлар ҳайъати таркиби билан танишиш асносида уни ҳар бир мактабда оммавий тарзда, Низом талабларидан келиб чиқиб, юқори савияда байрамона тусда ўтказишни ташкил этиш ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди. Шунингдек, унга пухта тайёргарлик кўриш учун мактаб спорт майдонлари ҳамда энг яхши спорт базаларини ажратиб бериш, спорт анжомлари бўйича ҳал этилмаган муам-

манган ва Андижон вилоятларида ўнлаб одамларнинг умрига зомин бўлган.

Чунонки, улар 1997 йилнинг 2 декабрь кун Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳодими Бокжон Убайдуллаевни онла аъзолари кўз ўнгига ўлдирди, бошини танасидан жудо этган. Умуман, Наманган вилоятида Тохир Йўлдошев ва унинг тарафдорлари тузган жиноий гуруҳ томонидан 17 та босқинчилик ва қотиллик содир этилган.

Жиноятчилар 1997 йилнинг 23 март кун Андижон шаҳрида милиция ҳодими Одил Ризаевнинг уйига бостириб кириб, унинг ўзини, онаси, хотини ва икки ўғлини вақсийларча ўлдирган. Андижон вилоятида жами 12 онлага нисбатан босқинчилик амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида давом этаётган суд жараёнида 3 ноябрь кун асосан ана шундай жиноятлар бос ҳаётдан кўз юмганларнинг яқинлари, жабрланганлар, гувоҳлар кўрсатма берди.

Бугун суд жараёни давом этади.

(ЎЗА).

## «ПАХТАКОР»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Мамлакат миллий чемпионати нинг тўққизинчи мавсуми якунланишига ҳам бор-йўли икки ҳафта қолди ҳолос. Шуниси қувончлики, сеvimли жамоамиз «Пахтакор» ўйини турдан турга яхбий томонга ўзгартиб, жамоамиз кетма-кет хоҳ рақиб майдонида, хоҳ ўз майдонида бўлсин, чиройли ғалабаларни кўлга киритмоқда. Агарда пахтакорчилар бундан камидан 15 тур аввалроқ ана шундай ғалабаларнинг соҳиб бўлишганда эди, ҳозирда совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилишлари мумкин эди.

**КЕЧА**

бўлиб ўтган XXXVI тур учрашувлари толларга бойлиги билан ажралиб турди. Бунда пахтакорчилар ўз майдонида «Сурхон» жамоасини қабул қилиб, яirik

5:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Шуниси эътиборлики, «Пахтакор» Футболчи кун рақиблари дарвозасига учта тўп йўллаб, «хет-трик»ка эришди. Қолган тўпларни моҳир ҳужумчи Шквирин ҳамда ҳимоячи Афзал Азизовлар «Сурхон» дарвозасига йўллаб, яirik ғалабага муносиб ҳисса қўшишди ва жамоамиз еттинчи ўриндаги мавқени анча мустақкамлаб олди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Сўғдиёна» — «Трактор» 2:1, «Гулистон» — «Металлург» 0:1, «Семург» — «Насаф» 4:5, «Дўстлик» — «Андижон» 4:1, «Кимёгар» — «Нефчи» 1:4, «Навбахор» — «Қизилқум» 1:2, «Темирйўлчи» — «Бухоро» 1:6, «Самарқанд-Динамо» — «Турон» 1:0, «Зарафшон» — «Хоразм» 1:0.

XXXVII тур учрашувлари 16 ноябрда бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.

## ДИННИ НИҚОБ ҚИЛГАН ИМОНСИЗЛАР

Ислам динининг беш фарзларидан бири ҳаж зиёратидир, умра эса шариъатда кичик ҳаж саналади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида одамларнинг ўз диний ибодатларини эркин амалга ошириши учун яратиб берилган шариот тўғрисида мунгадас қадимжоларни зиёрат қилиб қайтмоқда. Кимдир захматли меҳнати билан умр бўйи муборак сафар умидида маблаб тўплайди, аммо ўз жиноий ниётларига эришиш учун одамларнинг ўша пулига кўз олайтириб, ҳеч шубҳасиз, гўноҳи азимга ботганлар ҳам бор экан.

Маълум бўлмоқдаки, ўзини «Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб аталаймиш ишдоли гуруҳ пешволари деб атаётган Тохир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев ва уларнинг ҳамтовоқлари учун, аслида, мусулмонларнинг ана шундай хайрли мақсад йўлида йиққан жамғармаларини тортиб олиш одат тусига кирган экан. Улар бу йўлда беғуноҳ мўминларнинг қонини тўкиш, қийнаш, ўлдириш ва талашдан ҳам тўймаганлар. Шунинг ўзёёқ, бу шариот учун курашчиларнинг дьяволарини йўққа чиқаради.

Раҳнамоларининг топшириғига биноан Қозим Зокиров бошчилигидаги қуролланган гуруҳнинг 3 нафар аъзоси 1997 йилнинг январиди андижонлик Бурхониддин Ҳакимов хонадонига бостириб кириб, уй эгаси ва рафиқасини қаттиқ калтаклайди. Отиб ташлаш билан

**Суд залидан**

пўписа қилиб, Б. Ҳакимовнинг кўп йиллар орау қилган умра сафарини учун йиққан пулларини, қимматбаҳо буюмларини тортиб олади.

Худди шу гуруҳнинг 8 нафар аъзоси Малика Холматованинг уйига ҳам босқинчилик уюштирган. Жиноятчилар аёл ва эрини калтаклаб, чидаб бўлмаас кўйноқларга солган. Қайнона-қайночасини умрага жўнатиш учун тўплаган маблағини тортиб олиб, қурол-яроғ сотиб олишга, демакки, қон тўкишга сарфлаган.

Ана шундай қотиллик ва талончилик билан кўлга киритилган бойлиқни ўзларича «Байтў мол» деб атови жамғарма орқали Т. Йўлдошевга етказиб турган жиноятчилар 1996-97 йилларда На-

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда!

Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Оқшом»га обуна қабул қилинмоқда.

Вақтни ганимат билиб газетага обунани ўз вақтида расмийлаштириб қўйсангиз 2001 йилдан, XXI аснинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб бораверади. Нашр кўрсаткичларимиз шундай:

Якка обуначилар учун — 209  
Ташкилотлар учун — 563

Биз қурувчилар ҳам «Оқшомни» севиб қўйляпти.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яшамоқда ва амал қилмоқда

Тарих гилдираги шиддат билан олға интилмоқда. Яқиндагина Истиқлолимизнинг 9 йиллик тантаналари...

Энг муҳими — тарихнинг лаҳзасига тенг бу йиллар мамлакат ва халқимиз учун барқарор юксалиш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тилга олса арзиғулик ютуқлар, салмоқли натижалар ва галабалар даври ҳам бўлди.

Собик иттифоқ ҳудудидаги бирон-бир мамлакатда кўринмаётган биздаги улкан бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар кўлами халқимизнинг буюк келажагимизга бўлган ишончини мустаҳкамлаш билан бирга, кўллаб ҳорижликларни лол қолдиришда...

Шунинг учун ҳам республика Президенти Ислам Каримов: «Бугун биз қисқа мuddат ичида танланган мақсадимиз йўлида анча ишлар қилишга мумкин бўлган муаммоларни аниқ тасаввур этишни ўрганиш лозим»; — деб таъкидлаганида минг бора ҳақдир.

Шу ўринда барқарор тараққиёт йўлидан бошлаб боришда давлатимизнинг юксак таъкилотчилик ва етакчи ролини қайда эмаслик мумкин эмас. Зеро, ўз халқининг асл фарзанди сифатида, чин маънодаги ватанпарвар, халқларар ва замонавий раҳбар сифатида Президент Ислам Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлати ўзининг йилдирки, мамла-

Истиқлол ва ўзбек давлатчилиги

БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

катда ҳукм сураётган ижтимоий барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролик тотувлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолати, мамлакатнинг ривожланиш йўлидан бир маромда қатъий билан олға силжишни ташаббускори ва таъкилотчиси бўлиб келмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз кўлга киритган барча натижалар Истиқлол туфайли ва у билан бирга дунёга келган ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожига билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбек давлатчилиги ўтган йиллар мобайнида мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтди, турли ижтимоий-сиёсий ва бошқа жараёнларда тобланда, қаддини ростлаб, жамиятни бошқариш ва олға ҳаракат қилдиришда ўзига хос тажриба тўплади. Шунинг учун ҳам эришилган муҳим натижалардан бири сифатида ўзбек давлатчилигининг вужудга келиши, шаклланиши жараёнларини бемаълон тилга олиш мумкин. Дастлабки кунларданқў Ўзбекистон давлати жамият ҳаётининг барча соҳаларини чуқур ислох қилишни бош вазифа қилиб олганди.

Чундан ҳам бундай ислохотларни изчил амалга ошира бориш билан боғлиқ жуда кўп муаммолар ва масалаларни ҳал этишни фақат давлатга ўз зиммасига олиши мумкин эди. Шунинг ҳаммасига қўшиб, ўттиз даврида давлат бош ислохотчи бўлиши керак, деб эъён қилинди. Бунда тоталитар тузумнинг кўп вазифалари бекор қилинган, янги бозор муносабатлари эса ҳали шаклланимаган шароитда жамиятни қайта қуришнинг асоси бўлган иқтисодийётни қўлдан чиқариб юбориши, унинг ривожланишини ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмасди. Айни пайтда, Ўртабшумиз таъкидлаганидек, фақат давлатга умуммиллий иқтисодий манфаатларни муҳофаза қилишга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча қулуларини ўртага қўйилган мақсадларга эришиш учун жиғлаштиришга қодирдир.

«Агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, — дея таъкидлаганди Президентимиз, — энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бағирлимай, шунчаки қозғалди қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни ижро этишга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини кучайтириш» тақозо этарди.

Айниқса, юқорида айтиб ўтилганидек, жамият ривожининг асосини ташкил этувчи иқтисодийётнинг ислох қилишининг ўзи катта кўч ва қатъият, ҳатто қаттиққўлликни талаб қиларди. Иккинчи томондан эса халқ турмуши даражаси паст бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш учун янада мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин эди. Аҳолининг аксарият қисми ўзини ҳимоя қилишга, бозорнинг салбий оқибатларига қарши туришга қодир эмасди. Бундай шароитда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, яъни кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш зарурати ҳам кучли ижроия ҳокимияти бўлиши кераклигини тақозо этарди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида чуқур ислохотларни амалга оширишда давлатнинг етакчи роли, бу борадаги амалий чора-тадбирларни рўёбга қилиш кафолати сифатидаги кучли ижроия ҳокимиятининг аҳамияти белгиланиши билан бирга, юқоридан пастга ҳокимият тизимларининг ҳам ўрни ва вазифаларини аниқлашга алоҳида эътибор берилди. Яъни марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимиятларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари доираси аниқ-равшан белгилаб қўйилиши таъминланди. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини бундан чоралар билан ошира бориш, уларни зарур моддий воситалар билан мустаҳкамлашга давлатнинг қўмақлашиши ва ёрдам кўрсатиши қоида қилиб қўйилди.

Албатта, бу жараён осон кенмади. Шўролар тизимидан мерос бўлиб қолган маъмурий буйруқбозликка, марказдан туриб режалаштириш ва тақсимлашга асос-

ланган ҳокимият тизимларини тугатиш ёки уларнинг салбий таъсирини камайтириш юзасидан қатъий чоралар кўриш, турчилик, сансалорлик, тор идоравий манфаатларни кўзлаш ва бошқа шу каби тўсиқларни қатъий билан енгиб ўтишга тўғри келди.

Шуни таъкидлаш жоизки, республика миқёсида бошқарувни такомиллаштириш, уни изчил тадбиқ этилаётган бозор муносабатларига мувофиқлаштириш бориш жараёни ҳам узлуксиз, бетўхтов жараён бўлиб, ислохотларнинг турли босқичларига мутаносиб равишда ўзгаришларга учраб бормоқда. Чунончи, Давлат режа қўмитаси ўрнига дастлаб Давлат истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси тўзилди. Ушбу қўмита зиммасига иқтисодийётни ислох қилиш қоидалари ва устуворликлари, уларни амалга ошириш механизмлари асосида иқтисодий ислохотларнинг боришига баҳо бериш ҳамда уларни янада чуқурлаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш; баланс ҳисоб-китоблари асосида макроиқтисодий нисбатларни, тармоқлар ва ҳудудлардаги таркибий ўзгаришлар таъминлаш зарурлигини келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кўпвариантли истиқболларини белгилаш вазифалари юклатилди.

Қўрилган чора-тадбирлар туфайли мазкур қўмита қўйилган вазифаларни бажара бориб, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ислохотларнинг самарадорлигини оширишда сезиларли роль ўйнади. Мамлакатда иқтисодий ислохотларнинг янги босқичи кўчга кириши билан мазкур қўмита Макроиқтисодийёт ва статистика давлат қўмитасига айлантирилиб, унинг ваколатлар ҳамда вазифалар кўлами ва доираси замон талабларига мувофиқлаштирилди. Унинг қошида мамлакатда ислохотларнинг бориши ва уларни янада чуқурлаштириш муаммолари

билан боғлиқ иқтисодий тадқиқот ва таҳлиллар олиб борувчи, тегишли тавсиялар ишлаб чиқувчи илмий-тадқиқот ва мустақил экспертиза гуруҳлари ишлаб турибди.

Молия вазирлиги таркибиде эса нарх-навони белгилашда яқка ҳокимликни туғатиш ва яқка ҳокимлик билан ўрнатилган юқори нархларни назорат қилиш бўйича махсус бошқарма тўзилди. Унинг асосий вазифаси яқка ҳоким тузилмалар вужудга келишига йўл қўймаслиқдан, республикада рақобатчилик муҳити шаклланишига ёрдам беришдан иборат эди. Ислохотлар чуқурлаша бориши ва янги босқичларга ўтиши муносабати билан ушбу масалалар аҳамияти ошиб бориш ва долзарб бўлиб қолгани ҳисобга олиб, мазкур бошқарма Молия вазирлиги қошидаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасига айлантирилди, унинг зиммасига янги ваколатлар ва масъулиятлар юкланди.

2000 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида мамлакатда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришнинг бугунги долзарб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасига янада катта ваколатлар ва ҳуқуқлар берилиши, уни Молия вазирлиги тасаруфидан чиқариб, мустақил ишга айлантириш масаласи кўтарилди.

«Бу қўмитанинг бош вазифаси, — дея таъкидлади мамлакатимиз Президенти шу мажлисдаги маърузасида, — гирром рақобатчиларнинг бозорда, биринчи навбатда, истеъмол товарлари бозориде яқка ҳукмдор бўлиб олишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларига чек қўйишдан иборат бўлмоғи лозим.


Шундай тизим яратиш керакки, у рағбатлантириш ва чеклашнинг барча асосатларидан фойдаланиб, бозор иқтисодийёт талабларига жавоб берадиган рақобат қонун-қоидаларига, умум эътироф этилган меъёр ва мезонларга сўзсиз амал қилишни таъминласин».

Оқоридилардан кўриниб турибдики, бозор муносабатларининг чуқурлашиши, мамлакатда демократик жараёнлар такомиллашиб бориши билан давлат тузилиши ҳам муносиб равишда такомиллашиб, ичмачлашиб (!) боради. Ўртабшумиз таъкидлаганидек, бозорга ўтилган сари иқтисодийётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли ҳам жиғдий ўзгариб боради. Давлат, унинг бошқарув ҳокимияти тузилмалари тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятга аралаштидан четда бўлиши керак.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда биз ана шундай сиёсатнинг жонли шохидлари бўлиб турибмиз. Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар — молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нархларни назорат қилиш ҳамда билвосита таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ёрдамда амалга ошириляпти. Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган мажлисида айнан шу масалалар доирасида муҳим фикр алмашувлар бўлди, шу соҳалар таъсирчанлигини ошириш юзасидан аниқ тавсиялар берилди.

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги чўққиларидан туриб, Истиқлолнинг дастлабки даврларида келажаги буюк ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда давлатнинг бош ислохотчилик роли, кучли ижроия ҳокимиятини шакллантириш вазифалари нақадар тўғри қўйилгани ва ҳал этилганини таъкидлаш жоиз. Зеро, ҳаммамиз ўтган тўққиз йил мобайнида ана шу сиёсатнинг ҳаётбахш қудратини, кучли ижроия ҳокимияти мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ислохотларни амалга оширишнинг, аҳоли ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш ва шу йўл билан ҳар қандай ижтимоий ўпирилишлар, ларзалалар, бекорорликларнинг олдини олишнинг, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, миллатлараро ва фуқаролик тотувлиги, халқимиз оқошталанигининг ишончли кафолати бўлиб келаётганини доимий ҳис этиб, сезиб турибмиз.

Зайниддин ИСЛОМОВ, юридик фанлари доктори, профессор.



Уста, билимдон қурувчи ва йўлсозларимизнинг оқилона меҳнатлари туфайли шахримиз кўчалари янада обод ва тароватли бўлиб бормоқда. Айниқса, кўчаларимизнинг озода ва раво йўллари, бетакрор, бири бирдан гўзал бинолари қалбларимизни чароғон этади.

Фуқаро муҳофазаси

АНИҚ РЕЖА АСОСИДА

Маълумки, фуқаро муҳофазаси ҳарбийлашмаган тузилмаларини фавуллада вазиятларда белгиланган тартиб ва режа асосида аниқ ҳаракатлана олишига эришишда тактик-махсус машулотларнинг энг самарали услуби ҳисобланади. Ушбу машулотларда фавуллада вазиятлар содир бўлганда қорхона раҳбарият таркибининг ҳарбийлашмаган тузилмалари белгиланган режа асосида ҳаракатланишини бошқа-

ра олишлиги, ишчи-хизматчиларни муҳофаза қилиш бўйича аниқ йўналтирилган тадбирларни тўғри ва кам талафотлар билан бажариш услубларини қанчалик ишлаб чиқилгани ҳамда амалий равишда тадбиқ эта олишиги текширилади.

Яқинда юқорида келтирилган махсус-тактик машулотлар сирасига кирувчи машулотларни муҳофаза қилиш бўйича аниқ йўналтирилган тадбирларни тўғри ва кам талафотлар билан бажариш услубларини қанчалик ишлаб чиқилгани ҳамда амалий равишда тадбиқ эта олишиги текширилади.

лар сирасига кирувчи машулотларни муҳофаза қилиш бўйича аниқ йўналтирилган тадбирларни тўғри ва кам талафотлар билан бажариш услубларини қанчалик ишлаб чиқилгани ҳамда амалий равишда тадбиқ эта олишиги текширилади.

Одил ҲАМРОЕВ.

Саховат

МЕҲР ҚОЛУР

Шу йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси қошида таъкид этилган «Аёл ва саломатлик» уюшмаси Республика меҳр-шафқат ва саломатлик маркази билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида биринчи бўлиб синов тарихисиде Собир Раҳимов туманидаги «Ғалаба» маҳалласида иш бошлади.

Шу асосида мазкур маҳалладаги 50 та кам таъминланган, бokuвчиси йўқ ва ёрдамга муҳтож оилалар рўйхатга олиниб, уларга моддий ва маънавий томондан ёрдам берила бошланди. Жумладан ушбу оила фарзандларига кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари вақти-вақти билан бепул тарқатилиб, ёш болалари ва ҳомилдор аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлашда ҳамда балоғат ёшидаги қизларни ҳаётга тайёрлаш борасида ҳам ўзларининг беиннат ёрдамларини бериб келмоқда.

Яқинда кам таъминланган оилалардан бири Маҳрама ва Ражаповнинг невараси Шерзоджонни Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар «Аёл ва саломатлик» уюшмаси, Собир Раҳимов туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа ҳомий ташкилотлар уй-рўзғор учун зарур бўлган турли буюмлар ва қимматбаҳо совға-саломлар билан ниқоҳ тўйларини арафасида таъкидланди.

Ана шундай эзу ниғатлар билан тез-тез қарияларнинг дуосини олиб, ҳолдан хабар олувчи ташкилотлар республикамизда кўплаб топилди.

Шаҳар «Аёл ва саломатлик» уюшмасининг Собир Раҳимов туманидаги «Ғалаба» маҳалласида олиб бораётган хайрли ва саховатли ишларидан маҳалла аҳли мамнун. Уларга Мунира Усмоновжоева ҳамда Муҳтор Усмоновжоевлар ўз яқинларидек бўлиб қолтишган десак, муболаға бўлмас.

— Уюшманнинг маҳалламизга кўрсатган ёрдамлари беқиёс, — деди «Ғалаба» маҳалласи хотин-қизлар кенашчи раиси Малика Рижиева. — Уюшма маҳалладошларимизга моддий томондан кўмак бериш билан бирга турли тадбирларда ҳам қатнашди. Истаранимки уюшма аъзолари бундан кейин ҳам хайрли ишларга бош-қош бўлиб юрaversин.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Уша кун ишдан келиб эндигона ошхона юмушларига уринаётганим, эшик кўнгироғи устма-уст жиринглади. Бориб очдим. 12—13 ёшлар чамасидаги болакайлар.

— Манавининг кеча отаси ўлган, — деди буйчанроқ бола ёнидаги шеригини кўрсатиб. — Онаси қаттиқ касал. Биз отасининг таъзиясига пул тўплаб юрибмиз.

«Вой, бечорагина-ей» дедим болага ич-ичдан ачиниб. Сўнг пул олиб чиқиб, унга тутқаздим. Улар кетишганидан кейин ҳам мен анча вақтгача таъсирландим, ҳатто кўзларимга ёш келди... Орадан икки ҳафтача вақт ўтди. Бир кун кечки пайт ўғлимнинг эшик ёнида кимлар биландир сўзлашаётганини эшитдим. Беихтиёр қулоқ солдим. «Бу шеригимизнинг отаси ўлган, кеча. Онаси касал. Маъракага пул йиғаямиз» дерди бир бола. Унинг товуши менга таниш туюлди. Қия очик эшик олдида бордим. Не ҳўз билан кўрайки, ўн беш кунча аввал пул сўраб келган болалар! Улар менга кўзлари тушиши билан (таниб қолишди, шекилли!) тезгина зи-

дан. Шунда у йиғлаб юборди. Сўнг ҳаммасини гапириб берди. — Отам ҳам, онам ҳам нукул «пул топиб кел» дейишди. Бир ҳафта «дом»ларда, кўчаларда тиланчилик қилдим. Бир кун каттароқ болалар пулларимни олиб қўйишди, ўзимни роса калтаклашди. Ертулага бекиниб ётдим...

Шу кун маҳалла фаоллари боланинг ота-онаси билан суҳбатлашиш учун ўзaro режа тўзиб олишди. Шу ўринда диққатингизни яна бир далилга қаратмоқчимиз. Чинлозор тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи Лутфулла Ақромовнинг айтишича, турли кўринишдаги жиноятларнинг 55 фоизини шаҳарга четдан келиб қолган болалар содир этишаркан. — Шунинг учун ҳам туманимизда патруль хизмати йўлга қўйилган, — деди у. — Тунги соат ўн бирдан сўнг кўчада юрган ўсимирлар бирма бир

ТАРБИЯСИ «ОФИР» БОЛАЛАР... уларнинг тақдирини учун ким масъул?

надан пастга тушиб кетишди. Бўлиб ўтган воқеани эслаб энди ҳақим чикар, «Ахир бу ўта пасткашлик-ку!» деб қуноқардим. Эртасига қўшиларимнинг ҳам мен каби қайта-қайта алданганларини эшитдим. Аслида ўзимиз жудаям соддамизда. Уч-тўртта ўспирин «опун» кийиниб, ўзини «бечора» кўрсатиб, хонадонларда тиланчилик қилиб юришсаю, биз бўлсак ҳеч суриштирмай, ҳатто бирор шубҳага бормай, уларнинг қўлига пул тутқазаверсак?! Бу лоқайдлигимиз билан саёқ болаларнинг катталарини алдаб, «осонгина пул топиши»га шароит яратиб бермаётганимизми?! Кўпинча бизнинг раҳимизни келтирмак учун бу ўспиринлар ўлмаган ота-онасини «ўлди»га чиқаришди, гўёки уларнинг «ҳеч кими йўқ, шўрешона етим» қилиб кўрсатадилар. Шундай пайтда уларнинг гапларига лақа тушишининг ўрнига, дарров участка нозирга хабар қилиш ёхуд шу болаларни маҳалла қўмитасига етақлаб олиб боришимиз керак бўлади. Қачонки, шундай қилмас эканмиз, атрофимизда тарбияси «огир» болалар сафи янада кенгайиб бораверади...

Муносабат

Баъзида ўйлаб қоламан. Тарбияси «огир» болалар кимлар, ўзи? Қачон, қай шароитда уларнинг тарбияси издан чиқди? Бунга кимлар айбдор? Ота-онами? Қўни-қўшилар ёки маҳалла-қўйми? Балки мактабларнинг педагогик жамоасининг ҳам қисман айби бордир?! Бизнингча, қардаки бола тарбиясиде маъсулиятли вазифа етарлича адо этилмаётган экан, шу ҳудудда яшовчи ҳар бир киши бунда ўзини айбдор санамоғи керак. Негаки, «Маҳалланг — ота-онанг», «Мактаб — тарбия ва таълим ўчоғи» деган ҳикматлар бежизга айтилмаган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарориде тарбияни яхшилаш борасида аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Кўпгина мутасадди идоралар қаторида маҳаллалар ва ички ишлар бўлимлари зиммасига ҳам маъсулиятли вазифалар юкланган. Яъни, қарорнинг 7-бандида «... ўзини ўзи бошқариш органлари, ички ишлар идоралари ёшлар ва ўсимирларни тарбиялаш, ўқитиш ишлари устидан назоратни қўйиш ишлари аниқлаш, улар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, вояга етмаганларни ўқитиш ишлари вақтларида дам олиш ва иш билан таъминлаш масалаларини доимий назоратга олишлар» дейилган.

Аслида ҳеч бир бола жиноятчи ёки ҳуқуқбузар бўлиб туғилмайди. Уларнинг мурғак ёшларида аянчли аҳволга тушиб қолишларига кўпгина биз катталар айбдоримиз. Бола ҳаётини издан чиқарган, уни шум кўчаларга етақлаган, жиноят қилишга ундаган бизнинг лоқайдлигимиз эмасми, ахир?! Хушёрлик ва сергаклик бугунги кун талаби. Болалар эса шу она Ватанимиз эгалари, қолаверса бизнинг суянч тоғларимиз. Бу тоғлар қанчалар баланд бўлса, кўнглимиз ҳам тоғдек юксалиб бораверади. Қалбимизга қулоқ солайлик, виждонимизни уйғотиб ашайлик. Бола тақдирига маъсуллик туйғуси юракларимизни асло тарк этмасин.

— Уйингдагилар сени қаттиқ хафа қилишганими? — деб сўрашди бола-...

Гулчехра ЖАМИЛОВА.



**ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ**

**“Oz-Utganib”**  
Дому бўлуб...

- Айтишларича, бир доно киши бор эди. У ноғохон камбағаллик қўйга тушиб қолиб, иложсизликдан бир мартабали одамнинг уйига ўғирликка тушди. Қараса, уй эгаси қимматбах омадор устида ястаниб турарди. Доно кишининг кўзи мартабали одамнинг устида қилич ушлаб турган маймулга тушди. Халиги маймун ўргатилган бўлиб, шу онда соҳибининг юзида кетаётган чумолини ўткир тигли қилич билан уриб ўлдиришга шайланган бўлиб турган эди. Бундан кўнган доно киши чопиб бориб, маймуннинг қўлидан тугиб қолди. Уй соҳиб шарпадан уйғониб кетиб, воқеадан хабар топти-да, ўзича хулоса чиқариб деди:  
— Кишига толе қулиб боқса ўғри унинг учун посбонга айланади, душман эса меҳрибон дўстга!  
• Ақли одам аввал атрофдагилар билан маслахатлашиб, сўнг ишга қўл уради. Аҳмоқ эса аввал ишга қўл уриб, кейин иложсизликдан маслахатлашади.  
• Ақли киши ўз фикрининг меваларидан бахраманд бўлади.  
**Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.**  
• Ўтган ишга пушаймон бўлиш энг оғир дард. Охири пушаймонлик билан тугайдиган лаззатдан фойда йўқ.  
• Яхшиликни кўп қилган кишининг пушаймонлиги кам бўлади.  
Пушаймонлик уч хил: бир кунлик, бир йиллик ва бир умрлик. Бир кунлик пушаймонлик арзиманган пушаймонлик бўлиб, у бирор нарсага ея олмай қолиш, арзиманган нарсага эга бўла олмади қилиш сабабли пайдо бўлади ва тезда унутилиб кетади. Бир йиллик пушаймонлик эса қўлдан келса ҳам бепарволик туфайли тайёр ерга экин экмай вақтни ўтказиб юбориш орқали келади. Бир умрлик пушаймонлик эса адашган орқали ўзига муносиб бўлмаган муроасасиз хотинга уйланиб қолиш орқасидан келади.  
• Ўз айбини кўрмаган ўзга айбини қиди-  
рар.  
• Унутмагинки, киши учун ноғохоний ўлим икки нарсадан келади: ортиқча бойлик учун интилишдан ва бемаъни сўзларни кўп гапиришдан.  
• Биров ер, биров боқар, қиёмат шунда кўпар.  
• Инсоф энг яхши фазилатдир.  
• **Ҳикоят.** Бир надон ўз мол-мулкининг қўлидан фахрлиниб, илм аҳлини менсимай қўйган, ўз ихтиёрича иш тугиб, физику фухурга берилган эди. Бир кун у бориға қаноат қилиб, камтарлик йўлини тутган доно ҳақимга дуч келиб қолди ва унга:  
— Эй ҳақим, нимани хоҳласанг тила, сўр-  
вингни мухайё қиламан! — деди.  
— Сен шундай қилганин, токи ажал ҳеч қачон бошимга соя солмасин! — деди.  
— Бу иш асло менинг қўлимдан келмайди, — деди надон киши.  
— Бўлмаса, — деди ҳақим, — қариллик мавсуми кетиб, ёшлик айёми қайтиб келсин!  
— Бу иш ҳам қўлимдан келмайди! — деди у.  
— Орамизда ҳеч қандай фарқ ва тафовут йўқ экан-ку, — деди ҳақим шунда, — мен қилолмайдиган ишни сен ҳам қилолмас экансан, аммо сенда мол-давлат қўл бўлгани учун киёр отга мниб, манманликка берилибсан. Мен эса топганимга қаноат қилиб, ҳеч қим-  
га йилмайман, демакки, мен ҳам ўзим учун подшомам!  
**Мухаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.**  
• Барзув ал-Ҳақим айтди:  
— Агар сен ёлғончилик балосига дучор бўлмайин десанг ўзингга ростгўйлик хислатини шор қил, нимаики айтсанг, айтган гапингга вафо қил, меҳнатга мубало бўлмай десанг, меҳнат қилувчиларга раҳм кўзи билан боқ! Ҳасад дардига йўлиқмай десанг, ўзгалар молу давлатга етса сен хурсанд бўл! Оқил кишиларга ёқмай қолишдан қўрсанг, ҳаё отига мин!  
• Луқмони ҳақим ўз ўғлига қилган насиҳатларидан биридан шундай деди:  
— Эй ўғлим, ялқовлик кўчасига кирма, кўнлинг тор бўлмасин, чунки қачон ялқовлик ва бесабрлик бўлса, у ҳеч қачон бахтга эриша олмайди.  
• **«Жовидони харад»дан.**  
Аҳолиси соғлом муҳитни сақлаш борасида фаол иштирок этиб, нафақат ўзларининг соғлиқларини сақлашда, балки аҳоли ўртасида турли хил но-  
оқумли ва оқумли касаллик-  
ларнинг олдини олишга ўз  
жиссаларини қўшишлар.  
Зеро, халқимизда нафақат ўз  
хонадонини, балки маҳалла ҳу-  
донини, балки саранжом-са-  
ришта сақлаш туйғуси юқори  
бўлган ва ўйланмаган шундай  
бўлиб қолди.  
**Шўқрат МИРЗАЕВ,**  
**Ҳамза тумани**  
**Давлат санитария-**  
**эпидемиология**  
**назорати маркази**  
**санитария бўлими**  
**муддир.**  
**Мухаммад ибн Мухаммад ал-ЖОМИЙ.**  
**Махмуд ХАСАНИЙ таржимаси.**

муанинг атрофи ўралиб, 550 квадрат метрли пойдевори мрамор билан қопланди. Ҳибдон саҳнага 4000 дан ошқ манзарали кўчалар ўтказилди. Мажмуа ҳовлисидаги ажирик чим ва қариб 1000 кубометр тупроқ олиб ташланиб, 7000 квадрат метр майдонга «Канада грин» ўсимлиги ўтказилди. Ободончилик ишлари бундан кейин ҳам давом этирилади.

— Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхонанинг юзи у ишлаб чиқарган маҳсулотга қараб белгиланади. Табиийки, бу гап Имом ал-Бухорий халқро жамғармасига ҳам тегишлидир. Шу боис жамғарманинг илмий-амалий нашрлари ҳақида сўзлаб берсангиз...

— «Мовароуннахр фикр мактаби» илмий лойиҳаси нирҳоясига етказилди. Айни кунларда лойиҳанинг амалий натижаси сифатида мазкур ном билан аталган китоб ўзбек тилида нашрга тайёрланмоқда. Унда VIII-XII асрларда Ватанимизда яшаб ижод қилган 250 дан зиёд турли исломий илмлар билан шуғулланган аллодаларнинг қисқача илмий-ижодий биографияси ҳамда асрлар оша халқимиз диний этиқодининг таянчи бўлиб келган ҳанафийликнинг Мовароуннахрда шаклланиши илмий оммабоп тарзда баён этилган. Шунингдек, китоб ҳар хил сиёсийлашган радикал оқимлар таъсири остидаги тушиб қолётган баъзи фуқаролар, хусусан ёшларимизни халқимизнинг аънавий диний қадриятлари ҳақида ҳаққоний ва чуқур илмий дунёқарашга эга бўлишлариға ёрдам беради.

Жамғарма яна бир қатор илмий-амалий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудини 1130 йил-  
лиги муносибати билан немис тадқиқотчиси Улрих Рудольфинг «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик теологияси» номли китоби ўзбек тилига таржима қилиниб, нашрга тайёрланмоқда.

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини тарғибот қилиш мақсадида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» билан ҳамкорликда ўзбек, араб ва ўзбек тилларида ёдгорлик ҳақидаги проспекти катта тиражада нашр этилди. Шунингдек, Имом ал-Бухорий томонидан тўпаланган хадислар ва ёдгорлик мажмуи тарғиботига бағишланган 15 хилдаги чўнтақбоп ва осма тақвимлар 150 минг нусхада нашр этилди ва халқ орасида тарқатилди.

Имом ал-Бухорий халқро жамғармаси ва ёдгорлик мажмуи билан халқро жамоатчиликни кенгроқ таништириш мақсадида «Ўзбекистон» рангли-бизакли журналининг рус ва инглиз тилларидаги махсус сони чиқарилиб ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий ваколатхоналар ҳамда чет элларда тарқатилди.

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини барпо этилиши ва унинг мамлакатимиз иқтисодий-маънавий ҳаётидаги ўрни ҳамда мазкур иншоотнинг бош меъморни — Юртбошимизнинг шахсий ишосини ўзда акс эттирган «Мозий-дан эиб» ҳужжатли-оммабоп фильми яратилди.

Шу йил август охирида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида маънавий-маърифий, илмий-адабий йўналишдаги «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журнали нисбона сонининг тақдимоти бўлиб ўтди. Журналининг мақсади маънавиятимизнинг мустаҳкам илдириларидан бири бўлган асл диний қадриятларимиз билан халқимизни кенгроқ ва чуқурроқ таништириш орқали, ёшларимизни Ватанга муҳаббат, аждодлар меросига садоқат руҳи тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишдир.

Журнал миллий урф-одатларимизга, халқимизнинг менталитетига ҳилоф бўлган тажовузор акцидларастик, террористик гояларнинг кириб келишига қарши тўсиқ бўлиб хизмат қилади, деб умид қиламиз. Қуни-кеча унинг улуг аждодларимиз Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудини 1130 йилги ва Бурхониддин ал-Маргиноний таваллудини 910 йилгида бағишланган махсус сони нашрдан чиқди. Яқин кўнларда юртдошларимиз журналининг 3-4-сонлари билан танишиш шарафига муюасар бўладилар. Фурсатдан фойдаланиб, аждодларимизнинг табарруқ меросидан бахраманд бўлишни истаган юртдошларимизни **«Имом ал-Бухорий сабоқлари»** журналига обуна бўлишга даъват этиамиз. Айни пайтда уларнинг буюк бобоқалонимиз Имом ал-Бухорий мажмуини зиёрат қилишга таклиф этиамиз.

— **Самийий сўхбатингиз учун ташаккур!**

**Акмал АҚРОМОВ сўхбатлашди.**

Дин ва демократия масалалариға бағишланган юксак даражадаги анжумани айнан Ўзбекистонда ўтганлиғи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, юздан ортиқ миллиат вакиллари истиқомат қилётган юртимизда ўн бешта диний бирлашмалар фаолият кўрсатмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон асрлар мобайнида турли маданиятлар, миллий аънаьлар ва диний этиқодлар учрашган жой бўлиб қелган. Бу эса унинг маданый жиҳатдан ўзига ҳослиғи ва бой ақлий-маънавий салохиятага эга эканлиғидан, миллий ва диний бағрикенглик ўзбек маданияти ва менталитетининг ажралмас қисмиға айланиб кетганлиғидан далолат беради.

Анжуман **Диний-сиёсий терроризм ва экстремизмға қарши Тошкент резолуциясининг** қабул қилиниши билан уюналди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаат этилиб, 2002 йил-  
ни «Халқро терроризм ва экстремизмға қарши курашда динлараро

— **Мухтарам Зоҳидулло ака. Имом ал-Бухорий жамғармасини ташкил этиш гояси қандай юзаға келгани, вазиғалари ва мақсади билан қисқача таништирсангиз...**

— Имом ал-Бухорий халқро жамғармасини тузиш гояси 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов томонидан илгари сурилганди. Ҳуқуқатга қарашли бўлмаган ушбу нотижорат ташкилот атоқли аллома, муслмон тамаддуни ривож ва ҳақон маданиятини бойитишга беназир ҳисса қўшган, энг машҳур ва нуфузли хадислар тўплагининг муаллифи Имом ал-Бухорий номи билан аталади. Жамғарма фаолияти миллий меросни тиклаш ва умуминсоний қадриятларға садоқат хиссини тарбиялашға қаратилган.

Жамғарма 1998 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг 26 та давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан таъсис этилган.

Уш а йили 16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имом ал-Бухорий халқро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда, биринчидан, Имом ал-Бухорий ҳаёти, илмий мероси, у яшаган давр фани ва маданиятиға оид тарихий манбаларни ўрганиш, уларни кенг тарғиб қилиш, ўзбек халқининг қўлёзма мероси миллий маркази ва унинг электрон кутубхонасини яратиш, жаҳоншумул аҳамиятга эга диний-тарихий ёзма обидаларнинг факсимиле, репринт ва илмий нашрларини амалға ошириш, миллий қадриятларни ўзда муҳассамлаштирган қадимий ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта қуриш ишлариға ҳоимийлик қилиш вазиғаси қўйилди. Шунингдек, маданый-тарихий жойларни зиёрат қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалға ошириш, халқимизнинг маданый-тарихий ва илмий меросига бағишланган халқро илмий конференциялар, экспедициялар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш жамғарманинг асосий вазиғалари қаторига кирди. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, бу вазиғаларни амалға оширишдан қўзланган асосий мақсад ёш авлодни Ватанға муҳаббат, миллий ғурур, аждодлар меросига ҳурмат, шарқона одоб аънаьларига садоқат руҳида тарбиялашға хизмат қилишдан иборат.

Жамғарманинг ташкилий тузилмаси илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, туризмни ривожлантириш, халқро алоқалар ва сарможалар бўливлари, ўзбек халқининг қўлёзма мероси миллий маркази ва унинг электрон кутубхонаси ва бошқаларни ўз ичига олади.

— **Маълумки, Имом ал-Бухорий ислом динининг ривожига улкан ҳисса қўшган алломадир. Шундай экан, мазкур жамғарманинг ташкил топishi диний ва дунёвий билимларни ўйуғлаштирган ҳолда ўзлаштирилишиға хизмат қилиши ҳам керак. Жамғарма фаолиятининг ана бошқа аҳамиятлари ҳақида нималар дея оласиз?**

— Албатта, жамғармаиз сиз айтган масалада ҳам муҳим ўрин тутуши керак. Шунингдек, ислом динининг инсонпарварлик гояларини кенг тарғиб қилиш, диний ва дунёвий қарашлар уйғунлиғини таъминлаш, диний ташкилотлар ва давлат органу ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тўғри йўлга қўйиш ва бошқа қўпгина масалаларни ҳал этишда жамғарманинг ўзига хос ўрни бор.

Масалан, 1999 йил ноябрь ойида Тошкент ва Самарқандда «Дин ва демократия» мавзусида халқро динлараро сиёсий анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриди Давлат ва Жамият қурилиш академияси ва Конрад Аденауэр фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуман турли халқлар ва динлар ўртасидаги кенг мулоқотни ривожлантиришға қаратилган амалий тадбир бўлди. Унда Ўзбекистон, Германия, АҚШ, МДХ мамлакатлари жамоат арбоблари, диний уламолари, олимлари ва мутахассислари иштирок этидилар.

Анжуманда демократик жамиятда дунёвий давлат ва диний институтлар ўртасидаги муносабатларни тартибға солидиган асосий тамойиллар: диний ҳиссиётларни ҳурмат қилиш; фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиғи ва уларнинг диний этиқоди эркинлиғи; умуминсоний алоқий қадриятларни қарор топтиришда турли диний бирлашмалар ўртасидаги мулоқотни ривожлантириш; бузғунчилик мақсадларида диндан фойдаланишға йўл қўймаслик каби муҳим масалалар муҳокама этилди. Мунозараларда диний нирҳоз остидаги халқро терроризм ва экстремизм муаммосиға катта эътибор берилди.

**Диллашув**

**МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ИЛДИЗИ**



**Маънавиятимизнинг, миллий қадриятларимизнинг тикланиши Истиклол берган буюк нисматлардан бири бўлди. Бебаҳо маънавий меросимизға мурожаат этиш, уни бугунги авлод мулкига айлантириш имконияти туғилди. Қўпгина улуг аллодаларимиз номлари халқимиз учун азият бўлиб қолди. Бурхониддин ал-Маргиноний ҳамда ал-Мотуридий боболаримиз таваллуларини нишонлаш бўйича кизгин тайёргарлик давом этапти.**

**Халис илмининг сўлтони — Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг бунёд этилиши, ул улуг зот таваллуларининг тантанали нишонланиши ҳам шу йўлдаги муҳим тадбирлардан бўлганли. Бундан икки йил аввал республикамиз Президентининг махсус Фармони билан Имом ал-Бухорий халқро жамғармаси ҳам ташкил топганли.**

**Қуйида Имом ал-Бухорий халқро жамғармаси бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутаты Зоҳидулло Мунавваров билан сўхбатни эътиборингизға ҳавола этиамиз.**



**бирдамлик йили** деб эълон қилиш сўралган.

Жамғарма ташаббуси билан 2000 йил июль ойида мамлакатимизда Имом ал-Бухорий кўнлари ўтказилди. Унинг доирасида «Миллий мафкура ва диний қадриятлар» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда 30 га яқин маърузалар тингланди. **Анжуман иштирокчилари томонидан қабул қилинган амалий тавсияларға биноан Имом ал-Бухорий кўнлари келгуси йилдан Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Наманган ва Андижон шаҳарларида ўтказиладиган бўлди.**

— Жамғармаиз тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда буюк аждодларимиз қолдирган диний-маънавий меросни ёшлар онгига синдиришға қаратилган тадбирларни ҳам мунтазам равишда ўтказиб келмоқда. Республика «Камолот» ёшлар жамғармаси билан ҳамкорликда Андижон вилоятида «Ёшлар маънавий ва дин» мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий семинар-кеңаши ана шундай тадбирлар сирасига кирди. Шунингдек, мамлакатимизнинг қатор вилоятларида ҳам таниқли диншунос ва шарҳунос олимлар иштирокда «Дин ва ёшлар тарбияси» мавзусида амалий машғулотлар ўтказилиб турибди.

Жамғармаиз 2000 йил ноябрь ойининг иккинчи ярмида «Аждодларимизнинг қўлёзма меросини тўплаш, тадқиқ ва нашр қилиш муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Унда қўлёзма меросимизнинг халқимиз маънавий ва истиқлол мафкурасини камол топтиришда аҳамияти, фуқароларимиз тасарруфидаги қўлёзмалирини аниқлаш, танлаш, сотиб олиш, мамлакатимиздан олиб кетилган қўлёзмаларни қайтариб олиб келиш, қўлёзмаларнинг электрон кутубхонасини яратиш, ўқиш ва тадқиқ этиш усулларини такомиллаштириш, манбашунос, матншунос мутахассислар тайёрлаш каби мавзулар кўриб чиқилади.

Ҳозир анжуманға тақдим этилган маърузаларнинг тезислари нашрга тайёрланмоқда. Аждодларимизнинг бой қўлёзма меросига қизикувларни анжуманда ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этишға таклиф этиамиз.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, 2000 йилнинг 20 июль кунин Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида мингдан ортиқ қўлёзма ва тошбоша манбалардан иборат ўзбек халқи қўлёзма мероси миллий марказининг Самарқанд бўлими очилди. Ҳозирги вақтда жамғар-

ар университети каби нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларимиз мустаҳкамлашиб бормоқда.

Халқро алоқаларни янада фаоллаштириш мақсадида Имом ал-Бухорий, унинг номи билан аталувчи халқро жамғарма ва ёдгорлик мажмуининг мазмун ва моҳиятини ўзда муҳассамлаштирган компьютер сайти яратилди ва Интернет тизимиға киритилди.

Жамғарма лойиҳаларини молиялаш, асосан, Ўзбекистон фуқаролари ва корхоналари, хорижий шахсларнинг хайриялари, шунингдек халқро ташкилотларнинг грантлари ҳисобидан амалға оширилади. Жамғарманинг айрим лойиҳаларини амалға оширишда чет эллик шерклар иштирок этимоқдалар. Масалан, Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи ҳудудидаги «Дор ул-Ҳадис» мадрасасининг қурилишини яқунлаш учун Ислам тарикати банкидан 255 минг АҚШ доллари миқдоридиға мақсадли грант олинди. Мазкур мадрасани академик лицей талаблариға жавоб берадиган ўқув даргоҳиға айлантириш чоралари қўриломоқда.

— **Зиёратчиларнинг таъкидлашчида, Самарқандиға мажмуа қундан-қун чирой очиб, унинг ҳусниға ҳусн қўшилмоқда. Мажмуани ободонлаштириш бўйича қандай ишлар амалға оширилди?**

— Мажмуа инфраструктурасини ривожлантириш масаласиға алоҳида эътибор бериб келялмиш. Мажмуани ободонлаштириш ишлариға 50 миллион сўмдан ошқ маблағ сарфланди. Унинг олд қисмида 2 гектарли майдонда диаметри 15 метрли катта фаввора ва мрамрдан ишланган 9 та қўрқам фавворачалар ўрна-  
тилган янги хибдон барпо этилди. Мах-

— **Маълумки, соғлом муҳит — саломатлигини таъминлашда муҳим ўрин тутуди. Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида турли хилдаги нооқумли ва оқумли касалликлар ҳолатлари қайд қилиниб турибди. Бунинг асосий сабаблари муҳитнинг салбий таъсирлари натижасидир.**

Юқумли касалликларнинг олдини олишда олиб борилаётган санитария ва эпидемияга қарши тадбирлар билан биргаликда ҳудуднинг санитария ҳолати, сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш, озик-овқат маҳсулотларини сотиш ва сақлаш қондаларига риоя этиш каби бир қатор тадбирлар муҳим ўрин тутуди. Ушбу тадбирларнинг самарали олиб борилиши билан ураб турган муҳитнинг соғлом бўлишини, саломатлиғимизнинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Ҳозирги кунда аҳолидан ҳосил бўладиган маийший чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетилишда турли усуллар пайдо бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби тумандаги ушбу тадбирни бажаришға мансуб бўлган ташкилотларнинг моддий томондан таъминланиши талаб даражасида эмаслиғи, аҳоли, ташкилотлар томонидан қўриқилган хизматлар учун маблағларни



лаб, кесиб, ёниги сифатида, гўгли ёрларга озука сифатида фойдаланиш мумкин-ку? Хонадонлардаги қуриш ишларини олиб боришда ҳосил бўлган чиқиндиларни хонадон эгаси ёки ташкилот махсус автокорхоналар билан шартнома тузиб тулов асосида олиб чиқиб кетилиши-

диплар ташлаш учун фойдаланилади, аҳолининг ёш ойлариде эса таққиланишға қарамастан бу йилда ёш болаларнинг чўмилушлари қайд қилинди.

Ҳамза тумани Давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази томонидан 1999-2000 йилларда туман прокуратураси

**Табиат муҳофазаси**

**СОҒЛОМ МУҲИТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ**

билан биргаликда ўтказилган нazorатлар жараёнида аҳоли томонидан сув ҳавзалари киргоқларида ноконуний равишда қурилган 80 та турли хилдаги сув ҳавзаларини ифлослантирувчи манбалар — ҳаммом, молхона, товўқхоналар маъвулдиги аниқланди. Ушбу ноҳуш ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида 72 та қурилган сув ҳавзаларини ифлослантирувчи манба-

ларни бадиршишға эришилди ва аҳоли ўртасида тушутириш ишлари олиб борилды.

Шунингдек, соғлом муҳитни таъминлашда умумий оқватларни, савдо ташкилотларни ва бозорларда озик-овқат маҳсулотларини сотишда санитария қондларига риоя қилиш муҳим

лан иш олиб бориши, тозаллик муҳим эътибор беришлари катта аҳамият касб этади. Шуларни инобатда олган ҳолда ҳозирги кунда соғлом муҳитни таъминлаш ва саломатлигини сақлаш борасида шахар ва туман ДСЭММ ходимлари маҳалларға бриқтирилди, аҳоли ўртасида учрашувлар тўғрисида санитария-тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Уйлаймишки, шахримиз аҳолиси соғлом муҳитни сақлаш борасида фаол иштирок этиб, нафақат ўзларининг соғлиқларини сақлашда, балки аҳоли ўртасида турли хил но-  
оқумли ва оқумли касаллик-  
ларнинг олдини олишға ўз  
жиссаларини қўшишлар.  
Зеро, халқимизда нафақат ўз  
хонадонини, балки маҳалла ҳу-  
донини, балки саранжом-са-  
ришта сақлаш туйғуси юқори  
бўлган ва ўйланмаган шундай  
бўлиб қолди.

**Шўқрат МИРЗАЕВ,**  
**Ҳамза тумани**  
**Давлат санитария-**  
**эпидемиология**  
**назорати маркази**  
**санитария бўлими**  
**муддир.**

Фестиваллар

«ХАМСА-2000» ГОЛИБЛАРИ

Хабар берганимиздек, шахримиздаги «Зарафшон» концерт мажмуида «Хамса-2000» деб номланган биринчи халқаро фольклор мода фестивали бўлиб ўтди. Уни ўтказишда Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмасининг «Зумрад» маданият маркази ташаббус қўрғатди. Фестиваль Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши асосида «Pnlib Mogis management services b.v.» компанияси раҳбарлигида ташкил этилди.

Фестиваль бўлиб ўтган кунларда бу ерга таширф бюрлардан кийилар таширф ўзбекистонлик, балки Германия, Исроил, Бангладеш, Малайзия, Латвия, Литва, Қозғоғистон, Қирғизистон давлатларидан келган моделерларнинг энг гўзал ва энг янги миллий либослари билан танишишга мўъассар бўлилар.

Шунингдек, концерт мажмуининг фойдаланиш «Шарк бозори» ташкил этилиб, бу ерда халқ амалии санъати усталари, унариманлар ўзлари ясаган ишларни иштирокчи ва томошобинларга тақдир этилди. Улар орасида бадиий безак усталари М. Хамроев ва С. Хусанов, заргарлик санъати усталари Дадамухамедовлар оиласи, миллий чолу асбоблари устаси Бунёд Рустамов яратган маҳсулотлар барида катта қизиқчи уйғотди.

Шуни айтиб ўтиш кераки, мамлакатимизда замонавий мода билан уйғунлашиб кетган миллий кийим-кечакларни яратиш ҳам ривожланмоқда, — дейди «Зумрад» маданият маркази директори Наталья Мусина. — Зеро, IX асрлардан бошлаб Европа ҳамда Осиё мамлакатларида анъанавий ўзбек абли матолари машур ва манзур бўлган. Бугунги кунда ҳам қўлда тўқилган анъанавий ўзбек матолари Фарбий Европа давлатлари етакчи моделерлари коллекцияларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Фестиваль ўтказилишининг асосий мақсидига келсак, моделерларимизни замонавий модада миллий фольклор анъаналаридан фойдаланиб, либослар яратиш, машаққатли хунар эгаларини аниқлаш, уларни халққа таништириш.

Шундай қилиб тўрт кун давом этган фестивал ўз ақунини тоғди. Унда М. Стрельникова, И. Лисенко, Н. Кучина («Батик» гуруҳи, Ўзбекистонлар «Замонавий либосларда фольклор кўринишлари», Уте Гисен (Германия) ва А. Шлжоина (Ўзбекистонлар) «Келажакка назар», Г. Эмбергенова (Қоракалғоғистон) «Шарк Фаро», Лиге Банге (Латвия) «Анъанавий матоларда ноъанавий услублар» номинациялари бўйича голиб деб топилдилар. Моделер Лола Бобоева «Энг яхши дизайнер аёл» номинасига сазовор бўлди.



Шариф ИЛЕСОВА. СУРАТДА: бўлиб ўтган фестивалдан лавалар. Эрнест Куртвеллев олган сурат.

Тағбирлар

ҲАЯЖОНЛИ УЧРАШУВ

Болалик, ёшлик даврларини эсга олганимизда албатта, аввало кадрдон мактабимиз, меҳрибон устозларимиз, жонахон синфдошларимиз кўз олдимизга келади. Неча йиллар ўтса ҳамки, азиз устозларимиз, синфдошларимиз ҳеч ёдимиздан чиқмайди. Уларни кўча-кўйда учратиш қолсак, албатта хаяжонга тушамиз. Бошимиз кўкка етди. Ёшлигимизни қўмсаб, эслаймиз.

Кун кеча шахримизнинг Миробод туманидаги Абдулла Авлоний номидаги 328-мактабда (собиқ 40-мактаб) ана шундай хаяжонли учрашув ва дийдорлашув кечаси, мактабнинг 80 йиллик юбилей кечаси ўтказилди. Бу кунни орашиб кутган жонқуяр устозлар, узоқ йиллар учрашмаган синфдошлар мактаб ҳовлисига эрта тонгданок ошибки кела бошладилар. Хаяжонли ва қувончли дийдорлашув кунда мактаб ҳовлисида янраган ногорай карнай садолари 80 йиллик мактабдошларни ўз бағрига чорладди.

70, 60, 50 йилдан сўнг синфдошлар билан учрашиш нақадар хаяжонли ва қизиқарли албатта. Бу ҳазил гап эмас. Хассага таъинган нуруний отахон онахонларнинг мактаб ҳовлисига таширф бюриб, ўз кадрдонлари синфдошларини излаётганлари, болалик даврларини эсга олиб, дигдан сўхбатлашни ниятида эканликлари шундоқкина юз-кўзларидан билиниб турарди. Баъзи синфдошлар бир-бирларини топиб қучоқ очиб, бир-бирларини бағриларига босиб узоқ ҳол-аҳвол сўраб, севинчдан кўзларидея ёш, яна баъзилари чекка-чеккага чиқиб ўз ҳаётлари, фарзанду набиралари, ишлари ҳақида хўкўя қилмоқдалар.

Эҳ, бу нақадар унутилмас, нақадар бахтиёр дамлар улар учун. Мактабнинг катта ва шинам залига одам лик тўлди. Кечда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Миробод тумани ҳокимлигиндан вакиллар иштирок этилди. Кечда сўзга чиққан собиқ битирувчилар академиклар Карим Аҳмедов, Султон Алимухамедов, мактабнинг биринчи битирувчилари Пулат Шоҳайдарова, Ёдгор Паргивалар 1920 йилда шу мактабга пойдевор қўйишда катта жонбозлик қўрсатган ташкилотчилардан, улуғ аллома Абдулла Авлоний ва Мирҳалил ака Каримовнинг хизматлари беқийс эканлигини таъкидлаб ўтилар. Шунингдек, ушбу унутилмас учрашувни ташкил этган мактаб жамоасига ўз миннатдорчиликларини билдирилар.

Ҳақиқатан 80 йил мобайнида ушбу мактабни битириб чиққан ўқувчилар ҳозирги кунда бири фан доктори, академик, профессор, шoir, ўқитувчи ва турли касб эгалари бўлиб, турли жаҳбаларда халқ меҳнат қилмоқдалар. Кечда сўзга чиққан устозлар собиқ ўқувчилар марҳум устозларини ёд олдилар. Шу йиллар давомида мактабга раҳбарлик қилган директорлар — М. Каримов, А. Зиёвуддинов, Ш. Набиев, О. Келганов, Л. Саъдуллоев, С. Маматкуловларнинг номлари, уларнинг қилган фидойиликларини ҳурмат билан эсга олдилар.

Кечда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан ҳозирги кунда мактабнинг жонқуяр ва фидойи ўқитувчилари «Халқ таълими аълочиси» унвони ҳамда Миробод тумани ҳокимлигининг Фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

Соразмаму ва таассуротларга бой бўлган ушбу кечда мактаб ўқувчилари томонидан устозларга бағишланган куй-қўшиқлар, гўзал рақслар намойиш этилди ҳамда азиз меҳмонлар учун дастурхон безатилиб, ош тортирди.

Дилором ИКРОМОВА.



Ёш баскетболчилар. Равиль Альбеков олган сурат.

Спорт

УНИВЕРСИТЕТ КЎЗГУСИ

Спортга инсоннинг қай даражада қизиқиш, ихлос қўйиши унинг атроф-муҳитига, шарт-шароитларига боғлиқ бўлар экан. Биз ҳам Ўзбекистон Миллий университетида спорт тизими қандай йўлга қўйилганини билиш мақсидига талабалар шаҳарчасига йўл олдик.

— Ҳозирги кунда спорт тизими тобора юксалиб бораётганини айтиб ўтиришнинг ҳождати ҳам бўлмас керак. Мамлакатимизда айниқса ёшларга қаратилган эътибордан мамнунимиз, — деди биз билан сўхбатда университет спорт мажмуаси раиси Темур Набиев. — Кўриб турганимиздек, бизнинг ҳам спорт клубимиз бу ўзгаришлардан четда қолмай зamon талабларига жавоб бера оладиган ҳолатга келтирилган. Спортта қизиқувчи ёшларимиз учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинган. Улардан фақатгина зўр иштиёқ билан шуғулланиш талаб қилинади, холос. Олдингидек биз ҳозир ҳам талабалар ўртасидаги ўзаро мусобақаларни уюштирамиз. Бу ишларни бажаришда бизга университет проректори Одилжон Маматқаримов яқиндан ёрдам беради. Мусобақалар ўтказишда ўзи бош бўлиб туради. Бутун республика миқёсида бўлиб ўтадиган талабалар спорт мусобақалари ҳақида сўз юритсак, апрель ойида Наманган шаҳрида ўтказилган Универсиада мусобақалари бунинг илк кўриниши бўлди. Бизнинг талабамиз ҳам «Тико» автомашинасининг совриндори бўлди. Университет талабалари орасида спортга ёшлиқдан меҳр қўйиб, ҳаётларини спортсиз тасаввур қила олмайдиغانлар ва машаққатли меҳнатлари эвазига юқори натижаларга эришганлар бор. Буларга шахматдан гроемейстерлик даражасигача кўтарилган Рустам Қосимжоновни, Одил Каримовни, гандболдан Ренат Йўлдошевни, енгил атлетикадан Шароф Этамбердиевни мисол қилиб келтириш мумкин. Ёшларимиз билан иш олиб бораётган малакали ўқитувчиларимиздан бўлиши Нина Блесдик, Владимир Торопов, Ирина Жужовага ҳамда қолган мураббий ва ўқитувчиларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ҳозир бизни ўйлантираётган бир масала — талабаларнинг дарс соати шу йилдан эътиборан қисқартирилганлигидир. Ҳафтада, ҳозир бир дарс соати ўтиляпти, холос. Баъзи талабалар бундан қувондилар. Турғида спортнинг, жисмоний тарбиянинг ҳозир уларга нима кераги бор? Ахир улар ҳозир соғлом, бақувват. Илоҳим, доим шундай бўлсин, аммо кўпчилик ҳолларда ёш ўттиздан ошгандан кейин биз тез чарчаётганлигимизни, оёқларимизда мадор, белимизга қувват қолмаётганини сеза бошлаймиз ва албатта, сабабини жисмоний тарбия билан шуғулланмаганлигимизга йўймасдан, балки умримиз ўтиб бораётганлигидан, деб биламиз. Шундай экан, ҳеч бўлмаса шу тўрт йил мобайнида спорт мажмуамизга қатнаб, дарс мобайнида шуғулланиб келсалар, талабалар учун бу фойдалан ҳоли бўлмайди. Шу боис ҳам биз дарс соатларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз...

Бу гапларда жон бор, албатта. Бу масалани фақат улар эмас, аслида ҳаммамиз биргаликда кўтариб чиқишимиз керак эди. Афсуски, ҳозир талабаларимиз асосан жисмоний тарбия машғулотларидан озод этилиш тўғрисидаги маълумотномалар учун поликлинкарларда навбатда туришяпти.

Асосий мавзунимизга қайтайдиган бўлсак шу кунга қадар спорт мажмуасида ўн бешта факультетдан олти мингга яқин талаба жисмоний тарбия билан шуғулланиб келмоқда. Ҳар бир спортнинг тури йўналишлари бўйича мусобақалар уюштирилади. Мисол қилиб айтганим бўлсак, сентябрь ойининг ўрталарида гандбол бўйича Ўзбекистон Мустақиллик қубогига мусобақалар уюштирилади. Шунга қувонч билан айтиш жоизки, ушбу мусобақалар ҳаммада яхши таассурот қолдирди. Лекин шу каби анжуманларни ўтказмоқ учун, авваламбор қуриладиган бинони охиригача қуриб битказмоқ, иккинчидан эса мусобақалар учун зарур бўлган анжом-ускуналарни ўз вақтида етказиб турмоқ лозим. Албатта бунинг учун маблағ керак. Ният қиламиз — яқин орада бу муаммолар ижобий ҳал қилинади. Ана шунда университетдан ҳақиқий, республикамизни оламга танилтиладиган кўпчилик билан машур спортчилар янада қўллаб етишиб чиқади ҳамда спорт клубининг чинакам университет кўзгусига айланганига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Хилола САЛОВЕВА, Ўзбекистон Миллий университетининг талабаси.

Шахмат

ажойиботлари

ИШОНЧ

Мусобақа бошланишидан олдин Стейнидан сўрашибди: — Мулжалингизда биринчи соврин кимга тегаркин? — Менга-да, — сира тортинмай жавоб берибди жаҳон чемпиони. — Нега десангиз, бошқаларга ўшаб жаҳон чемпиони билан ўйнаримиди!

«ЖОДУГАРЛИК»

Ласкер билан Тартаковер тугаган ўйинларини биргалашиб таҳлил қилиб ўтиришарди. — Менинг позициям яхшироқ эди, — деб қолди Тартаковер бир вақт. Ласкер ҳеч нарса демади-ю доналарини у ёқдан-бўёққа сўриб Тартаковер янглишганганини исботлаб берди. — Тўғри, сиз ҳақсиз, — деди шунда Тартаковер.

Ласкер шу заҳоти тахтадан бурди-да, бошқача йўлларни кўрсата бошлади. Тартаковер ҳақиқатан ҳам устунликка эришса бўларкан. — Бу қанақаси, жодугарликнинг ўзи-ку! — хитоб қилди Тартаковер.

— Бунга қалла керак, огайни! — деб қўйди Ласкер.

— Ҳа, тўғри, унинг қалласи керак! — тушунтирди Тартаковер атрофдагиларга.

ЖАЗО


Бир кун гроемейстер Тайманов ўз машинасида жаҳон чемпиони Ботвинники Ленинград қўчалари бўйлаб олиб борарди. Қайси бир майдонда тээкини оширгани учун милиционер уни тўхтади, чести бериб ҳужжатларни узатишни сўрайди. Жарима тўлашга мажбурлигини сезган Тайманов, чўнтакка қўл солди-ю ҳар ҳолда поставойни ханг-манг қилиш учун: — Жуда шошиб турирман, чунки жаҳон чемпиони олиб кетяпман-да! — дейди.

Ичкаридаги Ботвинникка кўзи тушган милиционер халқ билан: — Жаҳон чемпиони қовдани бузган ҳолда олиб юришга аҳд қилдим денг? Жарима — икки баробар! — деб хитоб қилади.

Имажон МУХИДИНОВ.

Дилхуш машқлар

Оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.



Маълумлар

САРИМСОҚ

Саримсоқ кўп йиллик, пивзбошиси кўп бўлаклик, 30-60 см етадиган ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, цилиндрсимон, бағри чизиксимон, ясси ўткир учи. Гуллари майда, оқ яшил, оддий соянонга тўпланган. Меваси кўсақ, ёз ойларида гуллабди.

Саримсоқ пивз бошиси таркибидея нухуш хидли эфир мойи, олтингурутнинг тўйинмаган органик фитонцид дармон дорилардан А, В, С, қанда, шиллик модала, йод, декстрин каби моддалар бор. Қарийб 5 минг йилдан буйи эъзоэланб, халқ табибатида қўлланилиб келинади. У тиз оғриғи, йўтал, кўрак, меъда хасталиғига шифо. Гимжа ҳайдовчи дори сифатида қўлланилган. Буюқ табиб Абу Али ибн Сино саримсоқни қўйдириб, қулни асалга қўриб турли яраларга, темирткии каби тери хасталиқларидея тавсия этган. Кези келганда айтиш жоиз, Ибн Синодан сўрашибди: Эй Шайх, Сиздан кейин ўринингизни босадурғон ким қолгусидир? Аллома шундай жавоб берибди: «Эй азизлар, мендан кейин ўринини саримсоқпиев босгусидир».

Дарҳақиқат, саримсоқ минг бир дардга маълум. Иккинчи жаҳон уруши йилларида саримсоқ ярадор жангчиларни қони захарланиб ўлишидан сақлади. Ундаги эфир мойи қон томилар ҳаракатини қучайтириши натижасида ёғ безлари ишланиши яхшилайди. Бундан соч ўсиши тезлашади, бошдаги қазғоқ йўқолади. Соч тўқилишининг олдини олишда ҳам унинг наф бора. Ундан сочининг ҳолатига қараб фойдаланилади, жумладан, соч кўп тўқилаётган бўлса, айниқса тепалак ҳолидаги соч тўқилиши бошланишида бир бош саримсоқнинг 2-3 палласини қириб ўтказилса-да ҳосил бўлган бўтқасимон суяқлиқини бошининг керакли ерига суртилади. Бунга 7-10 кун давомида ҳар кун қайтариб турлади. Янчилан саримсоқ бошда 2 соат тургандан сўнг совун билан ювиб ташланади. Сочни ўстириш ва бошдаги қапанни йўқотиш учун ҳафтада 1 маротаба бу муложалани бажариб туриш керак. Саримсоқни ювишдан икки соат илгари бошга суртиб қўйилади. Соч қуруқ бўлса, саримсоқ бўтқасини доқадан ўтказиб, унга бир оз ўсимлик мойи аралаштириб, сўнг бошга суртиш керак. Егли сочга мой аралаштириш шарт эмас. Ҳар икки ҳолда ҳам бу муложалани икки-уч ойдан кам қилманг. Акс ҳолда кутилган натижани бермайди. Сочга саримсоқ суртгандан сўнг бошга рўмол ўраманг. Некаки, бош териси ачишиши мумкин. Саримсоқ майдалангандан сўнг анча вақт фитонцидлар ажратлади. «Қайси мамлакат халқи саримсоқ кўп истеъмол қилса, ўша ерда тинчлик ва бахт ҳукм суради», деб ёзади французлик Марсуль Бүлхтен. Бу мамлакатда барча масалиқларга саримсоқ солинади. У Испанияда ҳам қадрланади. Ҳатто бу ерда ҳар йили саримсоқ пивзага бағишланган фестивал ўтказиб турилади.

КЕЛИНГ, БИР ҚУЛИШАЙЛИК



Саҳна очилаб, спектакль бошланган бўлса ҳам, икки томошобин узро сўхбатни давом эттирмақда эдилар. Улар орасида утирган бир томошобин: — Биродарлар, ҳеч нарса эшитилмапти-ку! — деб уларни тартибга қайтарган бўлди. — Эшитилмас эшитилмас, сизга гапимизни эшитиш шарт эмас, — деб жавоб берди улардан бири.

— Эш қаламжак муҳаррир утирган хонага кириб, қўлидаги катта туғунини стол устига қўйиб, деди: — Кеча «Драматиз сўжестиво туғун, тилишо шира ва яна алламбалалар йўк» деган эдингиз. Буғун ўшларини олиб келдим. Энди таясаним босилишидан умид қилсам бўлади-ми?

— Янги постановканинг кўригидан сўнг комиссия аъзолари ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришмоқда эди. — Сизнинг фикрингиз қандай, Тура Тураевич? — деб сўради режиссёр. — Фикрини айтдим шекилли, — деди Тура Тураевич ҳомуза тортиб. — Сиз ҳали гапирмадингиз, фақат бир фурсат мизлиб, биллар-биллимас хўррак тортингиз, холос. — Хўррак тортиш, нима фикр айтишга қийнайдими? — ажабланди Тура Тураевич. — Қизингиз италянича ариини айтганда бир меҳмон ишлаб ўтирди-я! Нима у киши италяничами? — Э, айў, у киши қизининг ашула ўқитувчиси эди!

Маъпура НАБИЕВА тўплаган.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИККАТ!

ТАНЛОВГА ШОШИЛИНГ!

2000 йил 7 декабрь соат 10.00 да Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги «EKSPERT VA MARKETING MARKAZI» давлат шўъба корхонаси Тошкент шаҳрида жойлашган кўйидаги мактабгача болалар муассасалари танлов орқали сотилади:

- 1. 164-болалар боғчаси (манзили: Миробод тумани, Сарикўл кўчасида жойлашган), бошланғич нархи — 6 777826 сўм.
2. 166-болалар боғчаси (манзили: С. Раҳимов тумани, Бобожонов кўчасида жойлашган), бошланғич нархи — 8 358356 сўм.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

- 1. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар тарбия муассасаларининг фаолият йўналишини ўзгаришсиз сақлаш.
2. Мактабгача, кичик мактаб ёшидаги болалар таълим ва тарбияси ривожланишига йўналтирилган муассасаларни ташкил этиш.
3. Мактабгача болалар тарбия муассасаларининг бино ва иншоотларини амалдаги меъёр ва андозаларга мувофиқ равишда қайта тиклаш ва таъмирлаш.
4. Муассаса ҳудудини санитария ва ёнғинга қарши меъёрларга мувофиқ ҳолда сақлаш ва ободонлаштириш.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонунчи ва меъёрий ҳужжатлари асосида болалар билан олиб бориладиган таълим ва тарбиявий ишлар концепциясининг мавжудлиги.
6. Таясчилар низомида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи ҳақидаги бандиқнинг мавжудлиги.
7. Болаларга хизмат кўрсатиш тарифи бўйича тақлифлар.
8. Объект нархи бўйича тақлиф.

Танловда қатнашиш учун ҳужжатлар ушбу эълон чиққан кундан бошлаб қабул қилинади ва тендер ўтказиш кунидан уч кун олдин тўхтадилади.

Қўшимча маълумотлар учун Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги «EKSPERT VA MARKETING MARKAZI» давлат шўъба корхонасига, кўйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароунахр кўчаси, 16-а. Тел: 139-10-74, 144-60-51, 144-53-50.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Молия бош бошқармаси жамоаси Чилонзор тумани молия бўлимининг бошлиғи Қўбилжон Тўймухамедовга онаси

ХУРИЯ аянинг вафот этганиги мўносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

«Тошга» шаҳар бошқармаси жамоаси бошқарма бош мўсхандиси С. Қ. Қучурова падари бузруквори

ҚОДИР отанинڭ вафот этганиги мўносабати билан чўқур ҳамдирдлик бичдиради.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.